

**ISLAMONLINE.UZ**

**Ҳалол ва Ҳаром**



**Расмий вазифа билан шугулланиш**



"Мусулмон киши бошқа касблар билан шугулланганидек, ҳукуматга, бир жамоатга, бир ширкатга ёхуд бир шахсга боғлиқ ҳолда хизмат килиб кун кечериши мумкин. Аммо ҳукм ва ижроат сингари масъул вазифаларда ишлаш кўлидан келмаса ва бунга ўзи ҳам амин бўлса, бундай вазифаларга ўз номзодини кўймагани яхшироқдир.

Абу Хурайра разияллоху анхудан ривоят килинишича пайгамбаримиз саллаллоху алайхи вассалом шундай деганлар: "Кўмондонлар, раислар ва йўлбошчиларга нақадар афсус... Зеро улардан баъзи тоифалар борки, киёматда тортадиган азобларидан кўра, Сурайё юлдузига сочларидан осилишни орзу қиладилар. Чунки бу дунёда ўзларини бу азобдан кутқарадиган кеч қандай фойдали иш қилмаганлар". (Ибн Хиббон).

Абу Зарр разияллоху анху дан шундай ривоят қилинади: "Абу Зарр дедик: "Бир куни Расулulloк саллаллоху алайхи вассаломга мурожаат қилдим:

- Ё Аллохнинг расули, менга бирон масъул вазифа бермайсизми?

Расулulloк саллаллоху алайхи вассалом муборак кўллари билан елкамга қокиб мархамат қилдилар:

- Ё Абу Зарр! Сен заифсан, у масъулият эса бир омонатдир, бу омонатни Хак билан жойига қўймаганлар киёматда пушаймон бўладилар". (Муслим).

Яна пайгамбаримиз саллаллоху алайхи вассалом дедиларки: "Қозилар (хокимлар) уч тоифадир: Буларнинг бири жаннатда, иккиси жаханнамдадир. Хакни билиб, хак ҳукм берганлар жаннатга, хакни билиб ноқак ҳукм чиқарганлар ва акни билмай туриб инсонларни ҳукм этганлар эса жаханнамга қирадилар". (Абу Довуд, Термизий).

Муслмонлар кўлларида келган тақдирда ҳам иложи борица баланд вазифаларни орзу қилмаслиги ва мансаб кетидан қувмаслиги керак. Чунки мансабдан мадад қутган киши мансабга қул бўлади ва Аллох таоло фазлу мархаматидан бенасиб қолади.

Абдуррахмон ибн Самура разияллоху анхудан ривоят килинишича, пайгамбаримиз саллаллоху алайхи вассалом унга шундай мархамат қилганлар: "Ё Абдуррахмон! Ҳукм эгаси бўлишни истама! Агар истамаган холингда бу ишни сенга топширсалар сенга ёрдам берилади. Аксинча, агар истаб туриб бу вазифага келсанг барча иш бир ўзинга юкланади". (Бухорий, Муслим).

"Қозилик (хоқимлик)ни истаб ўзига мадақкор излаган киши ёлғиз қолади. Бу ишни истамагани холда мансабга олиб келинган кишига эса Аллох таоло фаришталарни ёрдамга юборади". (Термизий, Абу Довуд)

Ахвол кишининг ўзидан бошқа бу вазифани бажарадиган бир одамнинг бўлиш ё бўлмаслигига боғлиқ. Яъни, агар киши ўзи истамасаю, жамиятда ишлар изидан чиқиб ёмон бир хол рўй бериши эҳтимоли бўлса, у холда зудлик билан кишининг ўзи вазифага ўтириши керак.

Қуръони Қаримда Юсуф алайхис салом қиссасида ҳазрати Юсуф шох Маликга шундай хитоб қилади: "Мени шу ернинг ҳазиналари устига қўйгин. Чунки мен (уларни) тўла-тўқис саклайдиган ва (тўғри тасарруф қилишни) биладиган кишиман". (Юсуф сураси-55).

Шунингдек, сиёсий ва бошқа бутун масъул вазифаларни ишташлик ҳусусида ҳам Ислому одобни ана шундан иборат...

## ХАРОМ БЎЛГАН ВАЗИФАЛАР

Юқорида эслатиб ўтганимиз расмий вазифалар билан шугулланишнинг мувоҳ бўлиши, у

вазифада мусулмонлар учун зарарли бирон жихатнинг бўлмаслигига боғлиқ. Масалан: Мусулмонларга қарши урушаётган бир кўшинда мусулмон кишининг кўмондон ва ҳатто оддий аскар вазифасида хизмат қилиши ҳалол ҳисобланмайди. Шунга ўхшаш, мусулмонларга қарши урушиш учун қурол-аслаҳа ишлаб чиқарадиган муассасада ишлаш ва Ислом душманлари билан ҳамкорлик қилиш мусулмон кишига жоиз эмас. Фоиз ишлари, ичкилик ишлаб чиқарадиган корхоналар, рақс ва ўйин-қулги каби Исломга ёт бўлган, ҳаром ва зулмга бошлайдиган соҳаларда қай кўринишда бўлишидан қатъий назар хизмат қилиш мутлақо ҳаром ва гуноҳдир. Бундай ишларда вазифадор бўлган кишилар у гуноҳ ва ҳаром бўлган амални бевосита ўзлари бажармасалар ҳам гуноҳдан ҳалос бўлмайдилар. Зеро, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек "гуноҳга ёрдам қилиш ҳам гуноҳ ҳисобланади" деган асос Исломнинг тамал асосларидан биридир. Шунинг учун ҳам пайгамбаримиз саллаллоҳу алайҳи вассалом фоиз олган кишига кўшиб фоизни ёзган ва шохидлик қилганларни ҳам лаънатлаганлар, арок ичганга кўшиб, арок ишлаб чиқарганни ҳам, ичирган кишини ҳам лаънатлаганлар... Аммо бу ҳусусда баъзи бир истиснолар мавжуд. Шундай зарурат ҳолатлари бўладик, киши бу ишлардан бошқа қўнлик эҳтиёжини таъминлайдиган иш тополмайди. Бундай зарурат ҳолида мусулмон киши нафрат билан у ишларда ишлаши керак. Бошқа томондан эса ҳалол бир иш қидириб топишга тинмай интилиши лозим. Зотан қанчалик қатта фойда ва бойлик келтирмасин мусулмонлар доимо шубҳали ва динни заифлатадиган ишлардан узок турадилар. Бу ҳусусда пайгамбаримиз саллаллоҳу алайҳи вассалом шундай деганлар: "Шубҳаланган бир нарсангиз бўлса, уни тарқ этиб, шубҳали бўлмаганини танлангиз". (Аҳмад, Термизий, Насоий).

"Қул маҳзурли бўлган ҳолатларга тушиб қолишлик андишаси билан, маҳзури бўлмаган нарсаларни ҳам тарқ этмагунча такво эгалари даражасига етиша олмайди". (Термизий).

Юсуф Қаразовий

"Исломда ҳалол ва ҳаром" китобидан